

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«ALIF MOLIYA»
Mas'uliyati cheklangan jamiyati
ягона иштирокчисининг
2020 йил 29-февралдаги 1-сонли Қарори
билан



«ALIF MOLIYA»
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
УСТАВИ
(ЯНГИ ТАҲРИР)

Тошкент – 2020

1-МОДДА. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Кейинги ўринларда «Жамият» деб аталувчи «ALIF MOLIYA» масъулияти чекланган жамиятининг ушбу Устави «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (кейинги ўринларда - «Қонун») ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ҳолда тузилган.
- 1.2. Жамиятнинг иштирокчиси:
Кейинги ўринларда «Иштирокчи» деб аталувчи, 11.101.2019 йилда 12257549-сонли раками билан давлат руйхатидан ўтказилган, 5 Stratford Place, London, W1C 1AX, Англии ва Уэльс манзили бўйича жойлашган **АЛИФ КЭПИТАЛ ХОЛДИНГС ЛИМИТЕД (ALIF CAPITAL HOLDINGS LIMITED)**.
- 1.3. Жамият Иштирокчиларининг таркиби ўзгартирилиши мумкин, шунингдек ўз хохиши билан Жамият таркибига кириш истагини билдирган, унинг Уставини тан олган ва таъсис бадалини тўлаган манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар қабул қилиниши ҳисобига кенгайтирилиши мумкин.
- 1.4. Жамият Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсидир, мустақил баланси, банк муассасаларида ҳисоб ва бошқа рақамларига эгадир. Жамият ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини молиявий таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида олиб боради.
- 1.5. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда рўйхатга олинган пайтидан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.
- 1.6. Жамият тўлиқ фирма номи, давлат тилида ифодаланган думалок муҳрга эга.
- 1.7. Жамият ўз фирмали номи ёзилган тамгалари ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига, ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.
- 1.8. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинмаган алоҳида мол-мулкка эга, ўз номидан ҳуқуқларга эгаллик қилиши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ФАОЛИЯТ МУДДАТИ

- 2.1. Жамият тўлиқ фирмали номига эга:
 - ўзбек тилида - «ALIF MOLIYA» Mas'uliyati cheklangan jamiyati;
 - рус тилида - Общества с ограниченной ответственностью «ALIF MOLIYA»;
 - инглиз тилида — «ALIF MOLIYA» Limited Liability Company.
- 2.2. Жамият қисқа фирмали номига эга:
 - ўзбек тилида - «ALIF MOLIYA» MChJ;
 - рус тилида - ООО «ALIF MOLIYA»;
 - инглиз тилида - «ALIF MOLIYA» LLC.
- 2.3. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 12-уй.
- 2.4. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

3-МОЛЛА. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ

- 3.1. Жамият ўз ишбилармонлик фаолиятининг асосий мақсади сифатида фойда олишни кўзловчи тижорат ташкилотидир.
- 3.2. Уз фаолиятининг мақсадига эришиш учун Жамият қуйидагиларни амалга оширади:
 - товарларни SMS-тасдиқлаш билан кредитга (бўлиб тўлаш шарти билан) сотиш;
 - интернет орқали сотувлар амалга ошириш;
 - савдо хизматлари;
 - комиссия шартномаси асосида товар ва хизматларни кредитга сотиш;
 - лизинг (молиявий ижара) шартномаси асосида автомобил ва усқуналарни кредитга сотиш;
 - ташқи иктисодий фаолият (товар ва хизматлар импорти ва экспорти);
 - инвестициялар жалб қилиш;
 - кредит (қарз) шартномаси асосида молиявий ресурсларни жалб қилиш;
 - реклама фаолияти;

- хайрия ва хомийлик фаолияти.
- Жамият "Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонунчилиги томонидан тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир.
- 3.3. Лицензия олишни талаб қиладиган фаолият, Жамият томонидан тегишли лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

4-МОДЛА. ИШТИРОКЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. Жамият Иштирокчиси куйидаги ҳуқуқларга эга:
- «Қонун» ва Жамиятнинг У ставида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;
 - Қонун ҳужжатларида ва Жамият У ставида белгиланган тартибда Жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
 - фойдани таксимлашда иштирок этиш;
 - Жамият тугатилган тавдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкни ёки унинг қийматини олиш.
- 4.2. Жамиятнинг Иштирокчиси Жамиятнинг Устав фондидаги ўзига тегишли улушни (улушнинг бир қисмини) учинчи шахсга Жамият Иштирокчисининг қарорига биноан гаровга қўйишга ҳақлидир.
- 4.3. Жамият Иштирокчиси қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг Уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.
- 4.4. Жамият Иштирокчисининг мажбуриятлари:
- «Қонун»да ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, микдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари;
 - Жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.
- Жамият Иштирокчиси қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

- 5.1. Жамиятнинг фаолиятини таъминлаш учун Иштирокчи ҳисобидан Устав Фонди ташкил қилинади.
- Жамият Устав Фонди унинг Иштирокчиси улушининг номинал қийматидан ташкил қилинади ва 94 395 800 (тўқсон тўрт миллион уч юз тўқсон беш минг саккиз юз) сўмни ташкил этади.
- 5.2. Жамият Иштирокчиси бўлган ALIF CAPITAL HOLDINGS LIMITED номинал қиймати 94 395 800 (тўқсон тўрт миллион уч юз тўқсон беш минг саккиз юз) сўм бўлган Жамият Устав фондининг 100% улушига эга.
- 5.3. Иштирокчи Устав Фондига ўз улушини куйидаги кўринишида киритиши мумкин:
- пул воситалари;
 - хар хил мол-мулк турлари (бино ва иншоотлар, асбоб-ускуналар, асбоб-ускуналарга эҳтиёт қисмлар, хом ашё ва бошқа товар моддий бойликлар);
 - қимматли қоғозлар;
 - мол-мулк ҳуқуқлари, ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар.

6. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШНИ (УЛУШНИНГИ БИР ҚИСМИНИ) УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ЎТИШИ

- 6.1. Жамият Иштирокчиси ўз улушини учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин.
- 6.2. Жамият Иштирокчисининг улуши тўлиқ тўлангунга қадар бўлган даврда у фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.
- 6.3. Жамият Устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечиши оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак.
- 6.4. Жамият Устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига кечилгани ҳақида бундай воз кечишнинг далилларини тақдим этган ҳолда ёзма равишда Жамият хабардор қилиниши лозим. Жамиятнинг Устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олувчи

мазкур воз кечиш тўғрисида Жамият хабардор қилинган пайтдан эътиборан Жамият иштирокчисининг ҳуқуқларига эга бўлади ва мажбуриятларини амалга оширади.

6.5. Жамиятнинг Устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олувчига Жамият Иштирокчисининг мазкур улушдан (улушнинг бир қисмидан) воз кечишига қадар юзага келган барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтади.

6.6. Жамиятнинг Устав фондидаги улушлар жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ва (ёки) ҳуқуқий ворисларига ўтади.

6.7. Жамиятнинг вафот этган иштирокчисининг меросхўри томонидан мерос қабул қилингунга қадар Жамиятнинг вафот этган иштирокчиси ҳуқуқлари васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай шахс бўлмаган тақдирда эса нотариус тайинлаган бошқарувчи томонидан амалга оширилади.

6.8. Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, Жамиятнинг Устав фондидаги улуш (улушнинг бир қисми) очиқ қим-ошди савдоси орқали сотилганда, мазкур улушнинг (улуш бир қисмининг) олувчиси Жамиятнинг ёки унинг Иштирокчисининг розилигидан катъий назар Жамиятнинг иштирокчисига айланади.

7-МОДДА. БОШҚАРУВ

7.1. Қуйидагилар Жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланади:

- Жамият Иштирокчиси;
- Директор.

7.2. Жамият Иштирокчиси Жамиятнинг Олий органи ҳисобланади.

7.3. Жамиятнинг кундалик фаолияти юзасидан раҳбарлик яккабошчилик асосида фаолият кўрсатувчи ижро этувчи орган - Директор томонидан амалга оширилади. Директор Жамият Иштирокчиси олдида ҳисобдордир.

7.4. Жамиятда Кузатув Кенгаши ва Тафтиш комиссияси тузилмайди.

8-МОДДА. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

8.1. Жамият Иштирокчисининг мутлақ ваколатига қуйидаги масалаларни ҳал қилиш қиради:

а) Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

б) Жамият Устав фондининг миқдорини ўзгартириш;

в) Жамият Устав фонди миқдорини Иштирокчи ва (ёки) учинчи шахсларнинг қўшган ҳиссалари ҳисобига кўпайтириш;

г) Уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

д) Жамиятнинг директорини тайинлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

е) Ииллик ҳисоботлари ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;

ж) Жамиятнинг фойдасини тақсимлаш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш;

з) Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

и) Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;

к) Бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

л) Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

м) Тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

н) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан мол-мулк сотиб олиш ва уни ўз тасаруфидан чиқариш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш;

о) Ушбу Устав ва «Қонун»да назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

8.2. Жамият Иштирокчисининг мутлақ ваколатлари жумласига киритилган масалалар Жамиятнинг ижро этувчи органи ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

9-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ДИРЕКТОРИ

9.1. Директор Жамиятнинг ижроия органи ҳисобланади ва Иштирокчи томонидан 5 (беш) йил муддатга тайинланади.

9.2. Директор Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва Иштирокчи олдида унинг қарорлари бажарилиши учун шахсан жавобгарлик олиб боради.

9.3. Жамият ва унинг яккабошчилик асосидаги Директор вазифасини бажарадиган шахс ўртасидаги шартнома Жамият Иштирокчиси томонидан имзоланади.

9.4. Жамиятнинг Директори:

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифдалайди ва битимлар тузади;
- банкларда ҳисоб ва бошқа рақамларини очади, Жамиятнинг мол-мулки ва молиявий маблағларини ўз ваколати доирасида бошқаради;
- Жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;
- Жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;
- ушбу Устав билан Жамият Иштирокчисининг ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

9.5. Жамият Директорининг фаолияти ва унинг томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби Жамиятнинг ҳужжатлари билан, шунингдек Жамият ва Директор ўртасида тузилган шартнома билан белгиланади.

10-МОДДА. ЖАМИЯТ ХУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

10.1. Жамият қуйидаги ҳужжатларни Жамият фаолиятининг жами муддати мобайнида сақлаши шарт:

- Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар;
- Жамиятнинг Устав фондига қўшиладиган пулсиз хиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар, шунингдек Жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорлар;
- Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- Жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги Низомлар;
- Жамият Иштирокчисининг қарорлари;
- Аудиторлик ташкилотининг хулосалари;
- Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

10.2. Жамият ушбу Уставнинг 10.1-бандида назарда тутилган ҳужжатларни унинг ижро этувчи органининг жойлашган манзили бўйича сақлайди.

11-МОДДА. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИ ВА БОШҚА ШАХСЛАРГА ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

11.1. Иштирокчининг, аудиторнинг талаби билан, улар кўрсатган идрокли муддатга Жамият унинг таъсис ва бошқа ҳужжатлари, шунингдек Жамият фаолияти билан боғлиқ бошқа ахборот билан танишиш имкониятини бериши шарт.

12-МОДДА. БОШҚА ШАРТЛАР

12.1. Ушбу Уставга киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамият Иштирокчиси томонидан ушбу Устав ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар бўйича тасдиқланиши, сўнгра давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ушбу Уставга киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кучга киради.

12.2. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб кучга киради.

12.3. Ушбу Устав Жамиятнинг барча органлари, Жамият персоналига таалукли шахслар ва бошқа учинчи шахсларга нисбатан мажбурий кучга эга.

12.4. Агар ушбу Уставнинг бирор бир қоидаси ўз кучини йўқотса, қолган қоидалар ўз кучини сақлаб қолади.

12.5. Ушбу Уставда ҳал этилмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

ALIF CAPITAL HOLDINGS LIMITED номидан 29.02.2020 йилда берилган Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи

Zuhurosho Rahmatulloev 

